# FARG'ONA VILOYATI TOSHLOQ TUMANI HOKIMINING QARORI

2021 - yil 2 - iyul 10-11-160-Q/21 Toshloq tumani hokimligi

**Тошлоқ туман ҳокимининг эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган қарорларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 сентябрдаги ПФ-6075-сонли "Ўз аҳамиятини йўқотган қонунчилик ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш тизимини жорий этиш орқали мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 28.09.2020 й., 06/20/6075/1330-сон) ҳамда Фарғона вилоят ҳокимининг 2020 йил 30 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 сентябрдаги ПФ-6075-сонли Фармони тўғрисидаги"ги 256-сонли қарорини ижросини таъминлаш мақсадида "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6,25-моддаларига асосан

**ҚАРОР ҚИЛАМАН**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 сентябрдаги ПФ-6075-сонли "Ўз аҳамиятини йўқотган қонунчилик ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш тизимини жорий этиш орқали мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ҳамда Фарғона вилоят ҳокимининг 2020 йил 30 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 сентябрдаги ПФ-6075-сонли Фармони тўғрисидаги"ги 256-сонли қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Тошлоқ туман ҳокимининг иловага мувофиқ эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган норматив тусдаги қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Тошлоқ туман ҳокимлиги Матбуот хизмати (Ф.Қодиров) мазкур қарорни расмий эълон қилинишини ва ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилишини таъминласин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари К.Умаров зиммасига юклансин.

**Туман ҳокими** **А.Джурабаев**

Тошлоқ туман ҳокимининг
2021 йил 2 июлдаги
10-11-160-Q/21-сон қарорига
1-илова
Тошлоқ туман ҳокимининг
2021 йил “____”
_____ _____ -сонли
қарорига илова

**Тошлоқ туман ҳокимининг ўз кучини йўқотган деб эътироф этилаётган айрим қарорлари**

**РЎЙХАТИ**

1. Тошлоқ туман ҳокимининг 16.01.2013 йилдаги 35-сон “2013 йил учун мол-мулк ва ер солиғи тўловчи жисмоний шахсларни ҳисобга олиш, уларга солиқларни ҳисоблаш ва имтиёзларни қўллаш тўғрисида”ги қарори;

2. Тошлоқ туман ҳокимининг 13.01.2014 йилдаги 32-сон “Тумандаги корхона, ташкилот, муассаса ва хўжаликлар ҳисобидаги автомототранспорт воситаларини 2014 йилда техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида” ги қарори.

3. Тошлоқ туман ҳокимининг 01.02.2019 йилдаги 275-сон “Автомототранспорт воситаларини йиллик мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида” ги қарори;

4. Тошлоқ туман ҳокимининг 2019 йил 14 февралдаги 545-сон “Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникаларни техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида”ги қарори;

5. Тошлоқ туман ҳокимининг 26.09.2019 йилдаги 6175-сон “Туманда 2020 йил учун ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахслар учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва заҳирага қўйиш тўғрисида” ги қарори;

6. Тошлоқ туман ҳокимининг 15.01.2020 йилдаги 62-сон “Вилоят ҳокимининг 2020 йил 3 январь кунги 1-сонли «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 декабрдаги ПҚ-4555-сонли қарори тўғрисида»ги қарори ҳақида”ги қарори.